

НОСИРОВА Азиза

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Динишунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш
UNESCO кафедраси ўқитувчиси, тарих фанлари
бўйича PhD

БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ДИНИЙ- МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ

RELIGIOUS AND SPIRITUAL FOUNDATIONS OF TOLERANCE

РЕЛИГИОЗНО- ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИЕ ОСНОВЫ ТОЛЕРАНТНОСТИ

Аннотация. Мақола диний ксенофобия ва исламофобияни олдини олишда Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилган ислохотлар ва ислом динининг бағрикенглик зояларидан мисоллар келтирилган. Диний ва миллий бағрикенглик демократик давлат ва жамиятнинг муҳим жиҳати бўлиб, бағрикенглик фуқароларо тинчликни таъминлайди, жамиятда табиий равишда учрайдиган ижтимоий фарқларнинг кескинлашуви, ижтимоий низоларнинг юзага келишига йўл қўймайди.

Калим сўзлар: Бағрикенглик, диний ксенофобия, миллат, элат, дин, жамият барқарорлиги, дин ва миллатлараро тотувлик.

Аннотация. В статье приводятся примеры реформ, проводимых в религиозно-образовательной сфере Узбекистана в целях профилактики религиозной ксенофобии и исламофобии и идей толерантности к исламской религии. Религиозная и национальная толерантность является важным аспектом демократического государства и общества, толерантность граждан обеспечивает мир, предотвращая обострение социальных разногласий, которые естественным образом возникают в обществе, возникновение социальных конфликтов.

Ключевые слова: Толерантность, религиозная ксенофобия, нация, национальность, религия, стабильность общества, религиозное и межэтническое согласие.

Annotation. The article presents examples of reforms carried out in Uzbekistan in the religious and educational sphere and ideas of tolerance of Islam in the Prevention of religious xenophobia and Islamophobia. Religious and national tolerance is an important

aspect of a Democratic state and society, and tolerance ensures civil peace, preventing the aggravation of social differences naturally occurring in society, the emergence of social conflicts.

Keywords: Tolerance, religious xenophobia, nation, nationality, religion, stability of society, religious and interethnic harmony.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг диний бағрикенглик тамойилларига тўлиқ амал қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда турли динларга мансуб кадрятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Малакатимизда диний ксенофобиянинг салбий оқибатларини олдини олиш, ксенофобия орқали содир этилиши мумкин бўлган ҳар қандай можаро, келишмовчилик, тартибсизликларни жумладан диний-маърифий йўл билан ечим топиш мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Диний ксенофобия жамият барқарорлигига раҳна солувчи куч экани инсоният тарихида содир этилган кўплаб диний урушларни ҳаракатлантирувчи механизмга айланган. Шахс онгида шаклланган ксенофобик кайфият, унинг салбий жиҳатлари бутун бир халқ ва давлатлар даражасидаги можаро, уруш ва келишмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин, чунки ксенофобия мавжуд жойда бағрикенглик тамойилларига амал қилиш йўққа чиқади натижада турли миллат, элат ва дин вакиллари ўртасида тушунмовчилик, бир-бирининг анъана ва урф-одат, маросимларига беҳурмат муносабатда бўлиш ҳолатлари кузатилади, натижада эса вазият кескинлашаб, инсонлар ўртасидаги низоли вазиятларга олиб келади. Жумладан, ўрта асрлардаги христиан дини вакиллариининг христиан бўлмаганларга қарши олиб борган аёвсиз кураш, XI-XIII асрлардаги хоч юришлари, XVI-XVII асрлар Реформация давридаги динга қарши кураш, христиан мусулмонлар, яҳудий ва мусулмонлар

ўртасидаги низолар бўлиб ўтган ва ҳали ҳам барҳам топаётгани йўқ [1:40].

АСОСИЙ ҚИСМ

Бағрикенглик жамият фаровонлигининг асосий омилларидан бўлиб, ўзга конфессия вакиллариининг диний туйғуларини ҳурмат қилиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш жамият тараққиётига ижобий таъсир этиб, бевосита тинчлик-тотувликка хизмат қилади. Инсониятни бирлаштириб, тинч-тотув яшашга ундовчи олий қадриятлардан бири бағрикенгликдир. Бағрикенглик дин учун, диний эътиқод эркинлиги учун хос тушунча. Мисол тариқасида ислом дини таълимотидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ислом дини табиятан ва тарихан эркин эътиқод. Ушбу ҳолат ислом динининг муқаддас манбаи-Қуръони Каримда эътироф этилган. Хусусан, “Юнус” сурасининг 99-оятда: “Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер юзидаги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми [2:220]?!”

Ушбу оят ислом динининг асл моҳияти толерантлик, яъни диний бағрикенгликка асосланиши, эътиқод эркинлиги исломда устувор эканини исботлайди. Исломга мажбуран, жазо йўли билан киритиш қатъиян ман этилади. Бунга “Наҳл” сурасининг 125-ояти ҳам асос бўлади: (“Эй Мухаммад!) Раббингизнинг йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!” [2:281]. Ушбу оятлар мазмуни кишини диний экстремизмнинг ислом динига батамом зид бўлган зўравонлик моҳиятини англашга, диний бағрикенглик, инсонпарварлик томон юз тутишига олиб келади. Дин ҳақида юзаки тасаввур ва билимга эга бўлган киши эса, аксинча, жаҳолат ботқоғига ботади, манфур сиёсий мақсадларни кўзлаб содда кишиларни йўлдан урувчи “даъватчи” унсурларга айланади. “Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат” шиорининг асл мазмуни кишиларга, жамиятга йўл кўрсатиш, уни экстремизм йўлидаги фожиалардан қутқаришдир. Бу ўзининг қанчалар ҳурмат қилсанг, ўзингга нимаики яхшиликни тиласанг, ўзгаларга ҳам шуларни раво кўриш дегани.

Диний ва миллий бағрикенглик демократик давлат ва жамиятнинг муҳим жиҳати бўлиб, бағрикенглик фуқароларо тинчликни таъминлайди, жамиятда табиий равишда учрайдиган ижтимоий фарқларнинг кескинлашувига, ижтимоий низоларнинг юзага келишига йўл қўймайди. Халқимиз учун мустақилликни қўлга киритгандан сўнг илмий меросимизни тўлақонли ўрганишга кенг йўл очиб берилди. Бунинг натижасида ҳозирда минглаб асарлар замонавий илмий меросимизни ҳам бойитиб бормоқда. Ундан ташқари кўплаб муқаддас қадамжоларимиз тикланиб, ўзининг таровати билан нафақат юртимиз балки, дунё аҳлини ҳам ҳайратга солиб келмоқда. “Очиқ осмон остидаги музей” мақомларини олган Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиз ЮНЕСКО рўйхатида ҳам киритилган [3:131].

Ўзбекистонда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш учун барча ҳуқуқий асослар ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Бағрикенглик маданиятини шакллантириш ва янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил 16 ноябрдаги 28-сессиясида “Бағрикенглик тамойиллари тўғрисида”ги Декларация қабул қилинди. Шу кундан эътиборан 16 ноябрь санаси Халқаро бағрикенглик куни сифатида бутун дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам кенг нишонлаб келинади. Бағрикенгликдан асосий кўзланган мақсад инсониятни тинчлик ва осойишталикни сақлашга ундашдир [4].

Диний ксенофобия ва исламофобиянинг салбий оқибатларини олдини олиш бўйича Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ҳам Ўзбекистонда янада ривожлантириш бўйича бешта устувор масала олдинга сурилган 2017-2021 “Ҳаракатлар стратегияси” нинг бешинчи бандида “Давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, минтакамизда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини вужудга келтириш, жаҳон ҳамжамятида мамлакатимизнинг ижобий халқаро нуфузини мустаҳкамлаш йўлида хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада кучайтириш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни юритиш”, дея хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик

муҳитини вужудга келтиришда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият касб этади [5].

Ўзбекистонда давлат сиёсати миллатлар ва динлараро тинчлик-тотувликни қўллаб-қувватлашга асосланган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Мазкур резолюцияни қабул қилиш ташаббуси Ўзбекистон президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди. Ўзбекистон таклиф этган резолюциянинг асосий мақсади – барча учун таълим олиш имкониятини тақдим этиш, саводсизлик ва билимсизликка қарши диний-маърифий йўл билан қарши курашдан иборат. Ҳужжатда “бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат ўрнатиш, диний эркинликни таъминлаш, диндорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг камситилишига йўл қўймаслик”ка ҳам қақирилган [6].

Шу билан биргаликда, Президент Ш.Мирзиёев мазкур сессияда “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужасамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз. Ислон дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади” дея ислом динига нисбатан ўз позициясини баён этган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан, 2017 йил 23 июнда Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди. Унга қўра мамлакат раҳбари, “Ўз миллий тарихи ва маданиятига, дунёда энг катта бойлик бўлган интеллектуал ҳамда маънавий салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш, уни асраб-авайлаш ва бойитиш, шу

асосда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш жаҳондаги ҳар бир давлат ва жамиятнинг моддий ва маънавий тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллайди” [7], дея таъкидлаб, дин ва маданиятнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ажралмас бўлаги экани ҳақида фикрларни баён этган.

Ўзбекистонда динлараро мулоқот ва бағрикенгликни ёйиш мақсадида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар жаҳон ҳамжамяти томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда. Жумладан, 2017 йилда мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳин ташриф буюрди. Унинг тавсиялари асосида 2018 йил 4 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди [8].

Мазкур соҳада олиб борилаётган ислохотлар сифатида 2018 йилда АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистонни диний эркинлик борасида “алоҳида ташвиш уйғотувчи мамлакатлар” рўйхатидан чиқаргани мазкур соҳадаги амалий натижадир.

2020 йил 13 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон миллий давлатчилиги тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига уч йил муддатга 2021-2023 йилларга сайланди. Ўзбекистон учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 193 давлатдан 169 таси овоз берди. Мазкур жараёнда энг кўп овоз берилган давлат Ўзбекистон бўлди. Бу ҳам мамлакатда миллати ва динидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган, шу жумладан, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижаси ҳисобланади.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг асосий вазифалари қаторига давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш, янада ривожлантириш киритилди. Қўмита қошида

фукароларнинг этномаданий талабларини ўрганиш, аниқлаш ва қаноатлантиришга, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга, миллий сабабларга кўра, эҳтимолий можароларнинг олдини олишга кўмаклашувчи Жамоатчилик кенгаши тузилди. Бундан кутилаётган асосий натижа – мазкур соҳада давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришдир.

Мамлакат ҳудудида истиқомат қилаётган миллатлар урф-одати ҳамда ислом динининг маданий ва цивилизацион мероси, маънавий-фалсафий аҳамиятини чуқур ўрганиш бўйича ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бундан кўзланган асосий мақсад – фундаментал илмий тадқиқотлар натижалари асосида диний бағрикенглик, миллатлараро муносабатларнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва уни бугунги кун шароитида ривожлантиришдан иборат.

ХУЛОСА

Ўзбекистон ўз тарихи давомида турфа дин ва миллат вакиллари ўртасида ҳеч қандай низоли вазиятлар содир бўлмаган. Динлар ўртасидаги дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб бормокда. Алоҳида таъкидлаш керакки, руҳонийлар ўртасида ҳам ўзаро илиқ муносабатлар шаклланган. Рус файласуф олимларидан К.Леонтьев мазкур фикрларни тарихий далиллар билан исботлаб: фақатгина турли дунёқараш, миллий ва диний қадриятлар мужассам ерда “маданиятлар гуллаши” содир бўлади, жамиятдаги бир хиллик эса, унинг сўлишига сабаб бўлади. Айнан “маданиятлар гуллаши” дунёга турли халқ ва дин вакилларининг, бир давлатда ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик туйғулари асосида бирлашишлари ва фаровон ҳаёт кечиришлари орқали мусулмон оламини дунёга танитди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрида 2017 йилнинг 7 апрель куни МДХ давлатлари ташқи ишлар вазирлари йиғилиши бўлиб ўтди. МДХ давлатлари ташқи ишлар вазирлари Кенгаши йиғилишида 22 та масала кўриб чиқилди. Йиғилишда “Диний мансубликка нисбатан ҳар қандай камситишнинг олдини олиш” бўйича қонунлар имзоланди. Мамлакатимиз ҳар соҳада ривожланиш босқичларини босиб

ўтар экан, диний маърифий соҳада ҳам ижобий ўзгаришларни ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамланиб бормокда.

Бугунги глобаллашув даврида, турфа маданият ва халқлар менталитети бирлашиб кетиши хавф солиб турганда, миллатнинг ўзлиги урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолиш муҳим вазифалардан. Мазкур жараён дунёнинг кўпмиллатли ва кўпконфессияли давлатларида алоҳида эътибор талаб этади. Бойси, турли маданият ва урф-одат вакиллари ўртасида тинчлик-тотувликни асраб авайлаш, уларнинг ўз диний эътиқодларини амалга оширишлари учун шароит яратиш, жамият ва мамлакат фаровонлигининг муҳим асосларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кроз М.В., Ратинова Н.А. Ответственность за разжигание вражды и ненависти. Психолого-правовая характеристика. – М., 2005. – 40 б.
2. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансуров. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004. – 624 б.
3. Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги ҳолат. Илмий мақолалар тўплами. Тузувчи нашрга тайёрловчилар: Агзамхўжаев С.С., Зияева Д.Х., Аширов А.А. – Т.: Тошкент ислом университети, 2011. – 131 б.
4. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. – Т.: Адолат, 2004.
5. <https://religions.uz/news/detail?id=453>
6. <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/26336>
7. <https://lex.uz/docs/3600059>
8. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/05/ahmad-shahid/>